



**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**19.01.2023 йил**

**Сирдарё тумани**

**4-1202-2201/2305-сонли иш**

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Курбанов раислигида, судья ёрдамчиси С.Сайданов котиблигида, даъвогар “Д” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг, жавобгар “Ж” фермер хўжалигидан 77 930 654 сўм асосий қарз, 31 795 707 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни даъвогар жамият вакили Н. (09.01.2023 йилдаги 01/47-сонли ишончнома асосида), даъвогар жамият раҳбари Ш. нинг иштирокида, Сирдарё туманлараро иқтисодий суди биносига ўтказилган очиқ суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И :**

“Д” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “даъвогар” деб аталади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “палата” деб аталади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ж” фермер хўжалигидан (кейинги ўринларда “жавобгар” деб аталади) 77 930 654 сўм асосий қарз, 31 795 707 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган палата ва жавобгар суд мажлисига келмади ва вакиллари иштирокини таъминламади.

Бу ҳолда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 127, 128, 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида палата ва жавобгар (вакиллари) иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қувватлаб, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаганлигини ва шартномада келишилган миқдордан кам бошоқли дон маҳсулоти етказиб берилганлиги натижасида қарздорлик юзага келганлигини, банк фоизи ва суғурта тўловини ушлаб қолиш шартнома асосида бўлганлигини, банкдан олинган кредитни 10 ойгача тўланганлиги учун 10 ойга банк фоизи ҳисобланганлигини, суғурта тўлови молиялаштирилган ва маҳсулот олишга ишлатилган пул маблағларининг 4 (тўрт) миқдорида ушлаб қолинганлигини маълум қилиб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, даъво аризасида баён этилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда “ФК” деб аталади) 465-моддасининг биринчи қисмига биноан, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 08.09.2021 йил 13-сонли “Бошоқли дон харид қилиш бўйича” фьючерс шартномаси тузилган.

Шартномага кўра, жавобгар (етказиб берувчи) даъвогар (харидор)га буғдой маҳсулотини етказиб бериш, даъвогар ўз навбатида бўнак маблағлари ва зарур маҳсулотлар билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома шартларига кўра, даъвогар томонидан жавобгарга 2021 йилда бошоқли донни етиштириш харажатлари учун пул маблағлари ва керакли маҳсулотлар ажратиб берилган.

Жавобгарга буғдой маҳсулотларини тайёрлаш учун 131 294 966 сўмлик нефть, минерал ўғит ва бошқа керакли маҳсулотларини етказилиб берилган ва пул ўтказмалари ўтказилган. Бир томонлама қилинган таққослаш далолатномаси бўйича етказилган маҳсулот, ўтказилган пул маблағлари суғурта тўлови билан кўшиб ҳисоблаганда 136 228 486 сўмни ташкил этади.

Мазкур етказилган маҳсулотлар, ўтказиб берилган пул маблағлари банкдан олинган кредит ҳисобидан бажарилган ва банк кредити учун даъвогар ҳисобига банк фоизлари ҳисобланган. Шу асосда даъвогар банк кредитидан фойдаланган давр бўйича жавобгардан якуний ҳисоб-китоб натижасида 9 219 024 сўм банк фоизи ҳам ҳисобланиб, ушлаб қолинган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.3-бандида ғалла ҳосили учун молиялаштирган қийматни, банк томонидан ғаллага ажратилган кредит учун ҳисобланган йиллик фоизнинг 65 фоизи якуний ҳисоб-китобидан чегириб қолинишига келишишган. Жавобгарга етказилган маҳсулот, ўтказилган пул маблағлари суғурта тўлови билан кўшиб ҳисоблаганда 136 228 486 сўмни ташкил этган ҳолатда 136 228 486 сўмни 9 фоизлик банк кредити 10 ойда қайтарилиши билан ҳисобланганда 65 фоизидан банк фоизи 7 969 366 сўмни ташкил этади. Бироқ даъвогар томонидан банк фоизи 9 219 024 сўм яъни 1 249 658 сўм кўп ҳисобланганлиги учун ушбу суммани қаноатлантиришдан рад этиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, тарафлар ўртасидаги шартноманинг 2.3-банди г-пунктида хўжалик 2021 йил ғалла ҳосили учун молиялаштириш миқдорини суғурталамаган тақдирда, молиялаштириш белгиланган сумманинг 4 (тўрт) фоизи миқдоригача хўжалик якуний ҳисоб китобидан ушлаб қолишга келишилган. Жавобгарга 131 294 966 сўмлик нефть, минерал ўғит ва бошқа керакли маҳсулотлари етказилиб берилган ва пул ўтказмалари ўтказилганлигини ҳисобла олганда, ушбу сумманинг 4 (тўрт) фоизи 5 251 799 сўм бўлган ҳолатда, даъвогар томонидан суғурта тўлови сифатида 4 933 520 сўм яъни 318 279 сўм кам ушлаб қолинган.

Жавобгарнинг 76 680 996 сўм қарздорлиги ишдаги шартнома, маълумотнома, ҳисоб-фактуралар, юк хатлари, даъвогар вакилининг банк фоизи

ва суғурта тўловини ушлаб қолиниши юзасидан судга тақдим этган маълумоти ва ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Даъво талабида жавобгарнинг бошоқли донни етиштириш харажатлари учун даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар, уруғлик дон учун тўловлар, ўтказиб берилган пул маблағлари, банк фоизи ва суғурта тўловлари ҳисобидан даъвогар олдида 77 930 654 сўм миқдоридаги қарздорлиги вужудга келганлиги қайд этилса-да, даъво талабининг 1 249 658 сўм (банк фоизи) ундириш қисми ўз исботини топмаган. Шу сабабли даъво талабини 76 680 996 сўм асосий қарз ундириш талабини қаноатлантириб, асосий қарз ундириш талабининг қолган қисмини қаноатлантиришдан рад этиш лозим бўлади.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шунингдек, даъвогар шартномага асосан тўлов муддатининг кечиктирилган кунлари учун 31 795 707 сўм миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 4.2 бандига кўра, етказиб берилган уруғлик ҳаққини тўлашдан бош тортганлик учун “хўжалик” “тайёрловчи”га тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўланиши белгиланган. ФКнинг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Бироқ, пеня 77 930 654 сўмга ҳисобланган. Асосий қарздорлик 76 680 996 сўмни ташкил этган ҳолатда, шартнома бўйича (76 680 996x0,45x102 кун) 31 285 846 сўм пеня ҳисобланиши лозим. Пеня ундириш тўғрисидаги даъво талабининг (31 795 707-31 285 846) 509 861 сўм қисми асоссизлиги учун ушбу суммани қаноатлантиришдан рад этилиши лозим.

ФКнинг 261-моддасига кўра, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади. Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги № 163-сонли қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Суд, пеня ундириш талабини тўлиқ қаноатлантириш жавобгарнинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаб, пеня ундириш қисмини қисман қаноатлантириб, жавобгардан 5 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта ҳаражати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, даъво талабининг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда 2 159 336,84 сўм давлат божи ҳаражатини жавобгар зиммасига, қанотлантириш рад этилган даъво талаби бўйича 35 190,38 сўм давлат божи тўловини даъвогар зиммасига юклашни ва олдиндан тўланган 24 000 сўм почта ҳаражатини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 114, 116, 118, 170, 176 - 180-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И :**

Даъвогар “Д” масъулияти чекланган жамияти манфаатидаги Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Ж” фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “Д” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 76 680 996 сўм асосий қарз, 5 000 000 сўм пеня ҳамда олдиндан тўланган 24 000 сўм почта ҳаражати ундирилсин. Даъвонинг қолган қисми қаноатлантиришдан рад этилсин.

Жавобгар “Ж” фермер хўжалигидан 2 159 336,84 сўм, “Д” масъулияти чекланган жамиятидан 35 190,38 сўм Республика бюджетига давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкин.

**Судья**

**У.Курбанов**